

Киш этаги узилиб, бахорнинг биринчи оyi бошланиши билан сохил бўйлаб юкоридан илик шамол эса бошлайди-да, бир хафтага колдирмай нафаси теккан ўт-ўлан, дов-дарахтлар куртагини бўрттириб юборади. Кайнарсойдаги толларнинг новдадариди коврилган хандон пистасидай мунчок-мунчок шодалар пайдо бўлади. Киш совугидан корайиб кетган наъматак шохларига сув югуриб бўйга етган кизларнинг бармогидай мулойим ва киши диккати тортувчи бўлиб қолади. Мижози енгилрок бодомлар хаммадан авват гулга бурканиб, ўз кўркини намоиш қилишга тушади.

Мана шу паллалар Богистонда бўлсангиз борми, табиатнинг уддабууролиги-ю, мохирона санъатига койил колмай иложингиз йўк.

Айникса апрел охирлаб, тогу тошлар ям-яшил либосга бурканиб, кирмизи лолалар куёш нурида биллур қадахдай товланганида бу ернинг файзи жуда бўлакча бўлади.

Илгари шахарликлар бу томонларга кам келишарди. Йўл кенгайтирилиб, автобус катнай бошлаганидан бери уларнинг кети узилмай колди. Айникса «лола сайли» ишкибозлари жуда кўпайиб кетди. Шанба, якшанба кунлари кишлок ва унинг сўлим кир этаклари гавжум бўлади: кимдир мусика чалади, кимдир ширасиз овози билан ашула айтади, яна биров хали совук шашти кесилмаган дарё сувида чўмилади.

Бугун жума куни бўлганиданми, боя Айиктепада ўтирганларни хисобга олмаганда, кишлокда сайрчи йўк эди хисоб...

Улар доvon ошиб анча ичкарилаб кетишган, табиат шавкига берилиб вақт кечга якинлашиб колганини сезишмаганди. Изни йўқотиб қўймаслик учун шошиб-пишиб оркага кайтдилар.

— Радиога хам ишониш керак! — деди йигит тажанг овозда бир дастадан лола кўлтиклаб олган жувон билан кизчани шагал кияликдан пастга тушираркан, — тогли худудларда жала куяди деганди. Шу сайрга эртага чиксак хам бўларди-я!

— Унда огайнингиз Азимжоннинг тўйичи!? — хозиржавоблик килди жувон.

— Дарвокэ — Рустам пешонасини тириштириб кафти билан ёмгир томчилар куйилиб турган юзини сидириб кўйди, — эрталабдан эшиги олдида кўл ковуштириб турмасанг бўлмайди, ошна-огайничилик.

Аёл кўлидага шамсияни кизча бошига якинрок тутиб шивалаб турган ёмгирдан уни химоя киларкан, эрининг гапига кўшимча килди:

— Шу огайнингиз галати-да, аёллардай гиначи! Отган йили командировкада бўлиб ўгилчасининг тугилган кунда катнашолмаганингизни хали-хали таъна қилиб гапиради... Энди тўйни хам роса катта килса керак!

— Килади-да, магазин мудир... Умуман мана шунака нарсалар жонга тегди. Отпуска олгандан бери бирон кун уйда тинчгина ўтирмабмиз-а! Хар куни биттадан ташвиш.

— Шунинг учун хам сизга айтдим-да, бирон ёкка кетайлик, деб.

— Мана, бир кунга бўлса хам келдик-ку. Энди уйга етиб олсак, у ёгини бир ўйлашиб кўрамиз. Отпусканинг хам ярми кетди хисоб.

Ёмгир бир меъёрда эзгилаб ёғиб турар, улар кир багридаги илон изи, майин шагалли сўкмокдан келишарди.

Нихоят кишлок чеккасидаги автобус бурилиб тўхтайдиган кенг яланглик-бекатга етиб келишди. Бу ер бўм-бўш, хатто биронта одам хам йўк эди.

Йигит соатига каради. «Вақт якинлашиб копти» деб кўйди ичида. Эрталаб хайдовчи, бемалол дам олаверинглар, соат олтида сўнгги рейс бўлади, ўшанда ўзим олиб кетаман,

деганди.

Машина келавермади. Ёмгир авжга миниб, баданни жунжиктирадиган совук шабада эса бошлади. Бекат кишлокнинг анча юкори кисмида, яйдок тепаликка жойлашган, атрофда бирон пана жой йўк эди. Факат бир ёни майдонга келиб туташган пастликдаги томорканинг нариги этагада калин дарахтлар ичига кўмилган ховли кўзга ташланар, гарчи хали гира-шира тушишга анча вақт бор бўлса ҳам, у ердаги айвон шипида чараклаб ёниб турган электр чироги негадир одамнинг диккатини ўзига тортарди.

Рустам бундок ёнига ўгирилиб, кунишганича ўша ёкка караб турган кизига, сўнгра хотинига кўзи тушди. Назарида боласи совкотаётгандай туюлди.

— Юринглар, сизларни ўша хонадонга ташлаб келаман. Автобус келгунча айвонида ўтириб турасизлар! — деди-да, кизини багрига босиб, четан девор бўйлаб кета бошлади...

Гуломжон Унгур этагидаги янги тоқзорда ишлаётган колхозчиларга козон-товок, чой кайнатадиган бак яна хар-хил ашкол-дашколлар олиб кетаётган эди. Айиктепа ёнбагрида учта сайрчига кўзи тушди. Бир эркак билан аёл ёш кизчани ўртага олиб, лолаларга кўмилиб ўтиришарди. Кизалок кўлини осмонга силкитиб нималардир деди, ammo йигит тракторнинг шовкинида ҳеч нарса эшитмади...

Пешинга борганда хаво тўсатдан ўзгарди. Чараклаб турган куёш нурлари кўздан кочди. Олис тоғ чўккилари оша бостириб келган коп-кора булутлар кўк юзига парда ташлади. Сўнгра жала бошланди.

Гуломжон минг азоб билан тор, киялама йўллардан ўтиб кишлокка кириб келганида атрофга коронгилик оралаб колганди. Ховли этагидаги олмазор ёкалаб оқувчи Пском кутуриб пишкирар, тўлкинлари кўкка сапчирди.

У тракторни катта ёнгокка тираб тўхтатди, кабинадан сакраб тушаркан, дарё томонга кўз ташлади-да, кўпдан буён бунака ёгингарчилик бўлмаганди, деган фикр кечди хаёлидан.

Кеч тушган сари хавотири ошиб бораётган Хосиятхон эри келганлигини билиб, бир оз тинчланди. Козон остидан оловни тортиб, ташкари айвон юзига чикди:

— Келдингизми, хорманг!

Гуломжон хотини юзидаги сипо-осойишталикдан хайрон бўлди:

— Йўлда Исматни кўрдим, бувимиз яна огирлашиб коптилар. Нега бормай, бу ерда юрибсан?

— Эшитдим. Уйда мехмонлар бор, ташлаб кетолмадим.

Буви — Хосиятхоннинг онаси. Куздан буён каттик бетоб бўлиб, бир оёк-кўли ишламай ётар, айникса кейинги ой давомида ахволи хийла танглашиб колганди.

Гуломжон хотинига, овкатиингни суз-да, кейин у ховлига бор, деб мехмонлар ўтирган хонага йўналди.

«Салом амаки!» Дахлиздан кираверишдаги эшик канотига суяниб турган жажжигина мехмоннинг кўнгирокдай овози йигит диккатини ўзига қаратди.

— Ваалейкум ассалом! Аклли, яхши киз экансан.

Тўрда ўтирган барваста йигит билан хушрўйгина жувон ўринларидан туриб Гуломжонга пешвоз чиқишди.

— Уйингизга мехмон бўлиб келдик, — деди аёл мезбонга якинрок турганиданми, биринчи гап бошлаб.

— Жуда яхши-да, кеннойи, одам бор жойга одам келади. Қалай зерикмасдан ўтирибсизларми? — Гуломжон эркак томон ўгирилди.

— Бу ерни ўзимизники килиб олдик. Телевизор кўряпмиз. Дастурхон тўкин. Кани аввал танишиб кўяйлик брат. Менинг отим Рустам.  
Гуломжон Рустамнинг кўлини оларкан ўзини танитди.  
Хаммалари ўтиришди. Орага бироз нокулай жимлик чўкиб, уни аёл бузди:  
— Боя эрталаб трактор хайдаб кетаётган сизмидингиз?  
— Ха, мен эдим, сизларга кўзим тушганди, — мезбон йигит томон ўгирилди. — Хуш кўрдик, ака!  
— Рахмат-рахмат.  
— Бир айланиб келайлик дебсизларда.  
— Ха, лола сайли килиб чиккандик, кайтиб кетолмай денг, мана шундай сизларга кутилмаган мехмон бўлиб колдик!  
— Мехмон мана шуниси билан кизикда!  
— Автобус денг, бу томонга ўтолмабди. Сув осма кўприкка тегай деб оқайтганмиш. Бу, сизларда хар доим шунака тошкин бўлиб турадимиз?  
— Анчадан бери мунака ёлмаганди.  
— Ишкилиб эртага автобус келсин-да. Яна қолиб кетмайлик. Бир нозик огайнимизни юруги бор эди...  
— Кўнглингиз тўк бўлаверсин, эрталаб автобус албатта келади. Сув хадемай пасаяди. Бу ернинг шароити шу, хар канча жала ёгса ҳам икки-уч соатдан кейин ҳеч нарса бўлмагандай тураверади.  
Хосиятхон тўлатиб ош босилган лаган кўтариб кириб, дастурхонга кўйди. Чой келтирди. Шундан кейин бошка кўринмади...  
Мехмонлар биринчи келадиган автобусга илиниш максатида барвактрок туришмоқчи эди. Аммо тоғ хавоси элитдими ёки чарчашган эканми, алламахалгача бош кўтармай ухлашди.  
Рустам кўзини очганда уй ичи ёришиб кетган, дераза кўзларидан ловуллаб куёш нури ёгилиб турарди. У шошиб, хотинини уйготди ва тез кийина бошлади.  
Ташкарига чикиб осмонга кўз тикди-да, хайратдан ёка ушлади. Гуломжоннинг кечаги гапида жон бор эди. Ярим кечгача куйиб чиккан шаррос ёмгир, осмонни коплаб ётган пага-пага булутлардан энди ном-нишон йўк; тип-тиник кўк юзидан терак бўйи кўтарилиб колган куёш хаммаёкка ўз селини ёгдириб турарди. Рустам хузур килиб керишди, кейин ўпкасини тўлдириб нафас олди.  
Шу пайт сўриток остига ўрнатилган сўрига кўзи тушди. Унга тўкин дастурхон тўшалган бўлиб, хонтахта атрофига кўрпачалар солинганди.  
Бирдан мехмоннинг эсига уй эгалари тушди. У ёк-бу ёкка қараб уларни излаган бўлди. Шу пайт яланглик четидаги ошхонадан бир кампир чикиб келди-да:  
— Яхши ухлаб турдингларми болам! — дея хол-ахвол сўраган бўлди. Кейин йигитдан бирон садо чикинган кутмаёк. — Бемалол ўтириб чой ичинглар, овкат ҳам тайёр. Уй эгалари йўк экан деб тортинманглар. Мен ҳам шу ховлининг эгаси, садаганг кетайлар! — деди.  
— Хола, Гуломжонлар ишга кетган чоги. Кампир бир оз тутилиб:  
— Ха... шунака ўғлим, — деди.  
— Бизларам азонда турмоқчи эдигу, ухлаб копмиз, холажон.  
— Ҳечкиси йўк, дам олишга чиккансизлар, болам! — кампир дастурхонга янги дамланган чой келтириб кўяркан мехмоннинг кўнглини кўтарган бўлди.  
Томорка этагидаги майдонда шахарга катнайдиغان иккинчи рейс автобус келиб тўхтади.

Мехмонлар апил-тапил чой ичиб, энди кетмасак бўлмайди, деб туриб олишди. Кампир кўярда-кўймай, эрталабки насибани ташлаб кетманглар, деб гурунчи тирикрок бўлса ҳам маставани сузди.

Рустам кўшни кампир оркали уй эгаларига кўпдан-кўп рахмат айтаркан, ёнидан блокнот чиқариб нималардир ёзди:

— Гуломжонга бериб кўйинг. Бизнинг адресимиз шу! Шахарга тушганда албатта кирсин. Тепаликдаги бекатдан кизгиш ёнбоши кўриниб турган автобус кетма-кет сигнал берди.

Мехмонлар унга аранг илинишди.

Машина кишлокдан чикай деганда тезлигини пасайтирди-да, кутилмаганда асфальт йўл киясига чикиб тўхтади. Шофёр йигит кабинадан пастга тушди. Кейин салонда ўтирган бошкалар ҳам унга эргашиб туша бошлашди.

Рустам аввал нима гаплигини билмай, у ёк-бу ёкка аланглади-да, нарирок кир ёнбагридаги сўкмоқдан юкорилаб келаётган эллик-олтмиш чоғли одам тўпига, сўнгра улар ўртасидаги лапанглаб бораётган кизил духоба ёпилган тобутга кўзи тушди. Ёнида ўтирган хотинининг аста тиззасига туртиб, «сизам туринг» деган ишораси уни сергаклантирди.

Автобусда беш-олти хотин-халаждан бошка ҳеч ким колмади.

Машинадан тушганлар тез-тез юриб, мархумни олиб кетаётган одамлар тўпига кўшилишди-да, тобутни елкама-ёлка кўтариб анча наригача боришди.

Рустам ҳам икки-уч бор тобут дастаги остига елкасини олиб борди...

Бир пайт мош гурунч соколли кекса одам Рустамга якинрок келиб кулогига шипшигандай деди:

— Бўлар, ўғлим. Отангизга рахмат, энди кайтайлик, жойи жаннатда бўлсин! — у юзига фотиха тортди.

Машинадан тушган кишиларнинг айримлари катта йўл бўйига аллақачон етиб олишган, баъзилари имиллаб хозиргина юрган сўкмоқдан оркага кайти-шарди.

— Рахматли ажойиб аёл эди! — деб кўйди кутилмаганда халиги қария бошини ҳам килганича Рустам билан ёнма-ён бораркан. — Эри урушга кетиб кайтмади. Боякиш ёлғиз кизи билан колган, Бошка турмуш қурмай бутун умрйни шу кизга бағишлаган. Уни вояга етказди, турмушга берди — бир фарзанди иккита бўлди. Уларнинг ёнига набиралар кўшилди... Энди армонсиз яшаса бўладиган бир пайтда, қаранг-а, ўлим чангал солганини. Ози дунё шунаками, дейман, доим бири кам. Гуломжон ҳам етимликда ўсган, ота-онаси ўрнини шу аёл босиб турарди.

Рустам бошини кескин кўтариб ҳамсухбатига қаради:

— Қайси Гуломжон?

— Дарвоқе, сиз уни танитайсиз. Шу ерлик шофёр йигит. Шундок автобус қайрилиб тўхтайдиган майдоннинг пастадаги ховли ўшаники.

— Мен танийман у йигитни. Жуда яхши танийман. Нахот мархума унинг...

— Ҳа, мархума унинг қайнонаси эди. Худо рахмат қилсин!

Рустам мик этмади. Эрталаб юраги сезгандай бўлганди. Унинг хаёлидан йилт этиб «Эрта-индин вақт топиб, кўнгил сўраб келиб кетарман», деган фикр ўтди.

Хамма ўз ўрнига жойлашиб бўлганди. Рустам ҳам хотини ёнига чўкиб, кизини тиззасига олди. Автобус ўрнидан кўзгалиб, гизиллаганича юриб кетди. Аммо кўп ўтмай Пском дарёсига қурилган катта кўприкдан берирокда тўхтади. Унинг олд эшиги очилиб бир йигит тушиб колди.

Бу Рустам эди.

